

## ЭЗГУЛИККА ЧОРЛОВЧИ ИЖОД



Эркин Нурманов

“Миниатюра ва китоб графика” кафедраси доценти  
 Камолитдин Бехзод номидаги Миллий  
 рассомлик ва дизайн институти

DOI: <https://doi.org/10.37547/ssa-V5-04-20>

**Аннотация:** Мақолада муаллиф томонидан Ўзбекистон Бадиий академиясининг аъзоси график рассом Дилюс Мурсалимовнинг ижодий фаолиятини ёритиувчи фикрлар атрофлича баён қилинади.

**Калит сўзлар:** Дилюс Мурсалимов, график, рассом, композиция, босма, офорт, техника, рангтасвир, сувбўёқ, мойли бўёқ, кўргазма, экспозиция.

**Аннотация:** В статье излагается о персонального выставке и о художника графика члена Академии Художеств Узбекистана Длюса Мурсалимова.

**Ключевые слова:** Длюс Мурсалимов, график, художник, иллюстрации, офорт, акварел, маслянный живопись, выставка, экспозиция, печать.

**Abstract:** The article presents the personal exhibition and the work of graphic artist Dlyus Mursalimov, a member of the Academy of Arts of Uzbekistan.

**Keywords:** Dlyus Mursalimov, graphic artist, illustrator, etching, watercolor, oil painting, exhibition, exposition, printmaking.

Ўзбекистон бадиий ижодкорлар уюшмаси таркибида кўплаб ижодкор рассомлар кўп йиллардан бери фаол ижод билан шуғулланиб, кўплаб республика ва бошқа беннале каби кўргазмаларда ўз асарлари билан иштирок этиб келаётган камтарин ижод соҳиблари бор. Шундай рассомлардан бири график рассом Длюс Мурсалимов бўладилар. Ўзи ниҳоятда камтарин, кам гап, кам сукум инсон. Ижодкор узоқ йиллар давомида тасвирий санъатнинг асосан график турида, шунингдек ранг- тасвир турида ҳам тинимсиз ижодий ишлар яратиб, эл-юртга маълум бир кўргазмаларда намойишга тақдим этиб келади. У ўзи танлаган пуантиализм услубида ўзига хос график ва рангтасвир асарларини томошабинларга тортиқ қилиб туради.

90-йилларда кўргазмаларда ва галереяларда графикачи рассомлар Мурод ва Муҳаммад Фозилийларнинг паргори чизиқлар ёрдамида яратган қатъий, рамзий ва космогоник чизғич ёрдамида яратган ўзига хос руҳдаги асарлар пайдо бўлди. Сувбўёқ техникасида 80-йиллар охири - 90 йиллар бошларида М.Содиков, Г.Бойматов, Д.Мирсалимов, А.Лигай ва А.Лилар катта ютуқларга эришди.

90-йилларда офорт ва сувбўёқ техникасида ажойиб асарлар яратган Дилюс Мурсалимов аста-секин мойбўёқ техникасига ўтди ва уни муваффақиятли ўзлаштирди.

Дилюс Мурсалимовнинг шахсий кўргазмаси, рассомнинг ижодий фаолиятининг кўп йиллик асарларига ва туғилганига 80 йил тўлганлиги муносабати билан 2025 йил 07 феврал куни соат 17.00 да БА.МКЗда очилди. Очилиш маросимида ижодкорга Ўзбекистон Бадиий академиясининг олтин медали совға қилинди. Аксарият томошабинлар уни офорт, ва акварел техникасида ижод қиладиган график рассом сифатида билишади. Ушбу кўргазмада у рангтасвир асарларини ҳам тақдим этди.

Унинг асарларининг мавзуси – манзаралар, табиатдан олиб чизилгандек, шунингдек, турли ижтимоий, маиший, мовзуларга асосланган, натюрмортлар, портретлар, жанрли композициялар. Меъморий қурилмалар ва мойли бўёқларда ишланган рангтасвирларни Рассом Дилюс Мурсалимовнинг ўзига хослиги шундаки, у энг нозик кайфиятни, асарлари

орқали томошабинга бера олади. Унинг асарлари табиатнинг қудрати ҳақида баланд овозда эмас, балки атрофингиздаги гўзал оламга бориб, сокин қўшиқларга ҳамоҳанг бўлишдир. Унинг композицияларида ҳаётнинг нозик қайғуси ва доноликка йўғирилган ўзига хос ҳазил-мутойиба яққол сезилиб туради. Дилнос Мурсалимовнинг асарлари мавзусида доимо ўтмишга қайтиш истаги пайдо бўлади. Сабаби томошабин унинг асарларида ниманидир муҳим ва илғаб бўлмас нарсани ўтказиб юбораётганидек ҳис қилишга ундайди.



Дилнос Мурсалимов илк таълимни дастлаб П.П.Беньков номидаги Республика рассомлик билим юртида (1969), кейин эса Н.Островский номидаги Тошкент театр ва рассомлик институтида олган. Шу сабабдан бўлса керак унинг асарларида маҳорат ва ўзига нисбатан талабчанлик яққол намоён бўлади.

Табиатан сермулоҳаза бўлган рассом, бутун умрини ижодга бағишлади. Унинг учун ёлғизлик – устахонадаги сукунат ичида томошабинларга атрофдаги оламнинг чексиз гўзаллигини очиб бериш имконияти муҳум эди.



Д.Мурсалимов “Рассом ва табиат” анъанавий кўрғазманинг доимий иштирокчиси сифатида ҳам кўпчилик тасвирий санъат ихлосмандларига аввалдан таниш. Кўрғазмада муаллифнинг ижодга кириб келгандан бошлаб то шу кунгача бажарилган рангтасвир, графика йўналишида яратган асарлари намоёнишга қўйилди. Асарларининг мавзулари

хилма-хил ва уларда реалистик, фалсафий, этнографик, эртакнамо, рамзий шакллару мазмунларни ўз ичига олган бир-биридан қизиқарли сюжетлар, умуминсоний, экологик, табиат билан инсониятнинг умумий боғлиқлиги каби кенг қамровли ғоялар билан суғорилган. Масалан унинг мой бўёқда ёзилган “Баҳор” 2001, “Капалак билан натюрморт”, “Илдизлар.” 2015., “Остонада”, “Икки кекса дарахт” 2024, “Сирдарёда” 2011, сувбўёқда “Қарама-қаршилик” 2014, “Икки хўроз” 2014, “Бургут” 2014да м.м.б. “Баҳор” “Тоғдаги чўпонлар” 2015, “Ғозлар” 2015, “Сасиқпопишаклар” 2025, каби ижод намуналарида кушлар ва уй паррандалари-ю, ҳайвонот оламини, табиат ва инсонлар истиқомат қилаётган табиат оламининг ўзаро бир-бири билан боғлиқлигини чуқур бир ички фалсафийлик билан уйғунлашган асарларида ер, дарахт, осмон, сувлар, ўрмонзорлар, ниҳоятда катта сабр билан ифодаланганлиги яққол сезилади. “Бибиҳоним” асарида Қадимий шаҳар Самарқанддаги темурийлар даврида қурилган маҳобатли меъморий қурилманинг юқори қисми бузилиб кетган нақшинкор кўриниши мовий осмон фонидида ёрқин куёшли кунда иссиқ колоритли ёз кунига хос рангларда катта миришкорлик билан, маҳоратли график рассом томонидан, сувбўёқ техникасида ёзилганлигини яққол ҳис қилиш мумкин.



Мисол тариқасида рассом томонидан акс эттирилган “Остонада” номли асари композицияси марказида ва олдинги тарафда кекса ёшга бориб қолган онахон катта, кўп йиллар давомида яшаб баҳайбат кўринишга эга бўлган, танаси кенг, виқорли дарахт фонидида акс эттирилган. Дарахнинг катта бўлиб ўсиб, ердан бўртиб чиқиб кетган илдиз устида хаёл суриб ўтирган, маҳзун ҳолати хаётий, реал тақдир билан боғлаб ёзилган. Унинг бошига ўралган гулли рўмол ва унинг устидан оқ рангли ҳаррир яна бир, чит рўмол унинг юзларидаги ажин босган пешонаси ва узоқларга тикилиб қараётган кўзларига, ёшига мос тушган. Унинг эгнидаги кекса қария аёллар киядиган мовий пушти, сариқ гулдор кўйлаги унинг умри поёнига етиб бораётган нуроний кампир қомаги кўринишида аниқ ифодалаган.

Масалан: рассомнинг “Илдизлар” номли асарининг композицияси марказида катта бир кекса дарахт остида кекса онахон ўтирибди. Унинг атрофида қизлари ўз оиласи билан, ўғил болалари ўз оиласи билан умр гузаронлик қилиб, ўша кекса онахон уларнинг асосий илдизи ва унинг атрофида яшаётган ўғил қизлари-ю, набиралари унинг илдизидан кўпайишиб катта бир авлод, аждодини ташкил қилганлигини, ўша катта кўп йиллардан бирга яшаб келаётган дарахтга рамзий маънода қиёслаб ифодалашга муваффақ бўлганлигини ҳис қилиш мумкин.

Ижодкор ўз ишига доим жиддий ёндошган ҳолда қайси мавзунини танлаган бўлса, демак шу мавзуга хос чуқур ва кенг ўйланган композиция яратиш устида ўйланади. Агар график ечимда ишланадиган асар мавзуси танланса, демак шу мавзуга тўғри келадиган сюжетларини, шунга мос ва мўъжаз шаклдаги унсурларни бир-бири билан мазмунли ғояни қўллаш асосида амалга оширади.

Сўзсиз бундай услулда график асар яратиш лозим бўлса, демак шу йўналишга мос тушувчи техника ва технологияларни уқувли, тажрибали рассом сифатида қўллаб, томошабинни ўзига торта оладиган ечимни топиб, қўллаш орқали бажаради.

Онахон ўтирган дарахтнинг орқа тарафида нақшинкор ёғоч эшик кўзга ташланади. Эшикни олдидаги остона гўё онахоннинг бу дунё билан ҳайрлашув ва кейинги дунёга тайёрланаётгандек тасоввур ҳосил қилиш учун мазкур асарнинг номини ҳам остона деб танлаган. Дарахтнинг шохида, онахоннинг боши тепасида қўниб турган завзифон қомати, ва дарахтнинг атрофидаги қизғиш, сарик, олов рангли кузги барглари, онахоннинг ҳаётининг кузи яқинлишиб қолаётганлигини, ғоявий, фалсафий мазмун билан боғлаб тасвирлаганлиги уни томоша қилаётган ҳар бир инсонни чуқур ўйларга толишга ундайди.

Рассом кўпроқ анимал жанр билан боғланган сувбўёқли ёки мой бўёқли ва шу билан бирга пуантуализм услубидаги рангтасвирлари манзарали, сердарахтли ўрмонлар, инсонлардан холи, тинч, сокин табиат кучоғидаги жонзотлар қоматларининг турли хил кўринишларини тасвирлашни жуда ёқтиради. Мисол тариқасида ижодкор томонидан мой бўёқда ёзилган “Тоғдаги чўпон” 2015 йил ишланган рангасвири айнан тоғли, тоза ҳаволи ўтлоқда, бир талай қўй-қўзилару, эчки-улоқларни ўтлатиб юрган кекса ёшдаги чўпон қомати иссиқ ёрқин қуёшли ёз фаслида ифодаланган. Мазкур асарда ҳам асар марказида баланд бир, кўп йиллардан бери ўсиб келаётган азим чинор дарахти соясида қўлидаги хассасига таяниб, ўтлаб юрган подасини кузатиб турган баланд бўйли чўпон қомати акс эттирилади. Унинг ёнидаги катта бир оқ рангдаги бўри босар ит ҳам бирга ёзилган. Асардан кўриниб турибдики яъни чўпон умрининг асосий қисмини шу чўпонликка бахш этган. Шунинг учун у ўзи ишига сидқи дилдан берилиб, ёндошиб, эл-юрт учун ҳизмат қилишга умр бўйи ўз касбига содиқ қолган ҳалол чўпон сифатида яшаётганлигини, табиий ҳаёт кучоғида уйғунлаштириб бор ҳақиқати билан ифодлаган.



Мақола қаҳрамони Д.Мурсалимов Ўзбекистон БА.си томонидан ҳар йили ўтказилиши анъанага айланиб қолган “Рассом ва табиат” республика кўрғазмасининг доимий ва фаол иштирокчиларидан ҳисобланади. Масалан: бу сафар ҳам навбатдаги XXXIX “Рассом ва табиат” кўрғазмасига ўзининг акварел бўёғида ишланган “Куз”, “Ўрмонда” ва “Тоғда” номли учта манзарали рангтасвир ишларини намойишга қўйди.

Мазкур асарининг биринчиси куз фаслидаги қизғиш, сер барглари тўқилган, қалин дархтзор ва унинг тинч, сокин манзарали соф ҳаволи кўринишида нозик қоматли аёл, ўз кучуги билан сайр қилиб юрган ҳолати акс эттирилган. Иккинчи асари эса “Қишки дарахтлар” деб номланиб, унинг манзарасида ҳам дархтзор тасвирланган. Фақат қиш фаслидаги кимсасиз, совуқ ҳаволи ўрмон ичида фақатгина яқиндагина ёлган қалин қорда ўз насибасини териб юрган какликлар, ноёб табиат қушлари сифатида алоҳида меҳр билан ифодаланган. Учинчи манзарасини “Тоғ кўриниши” номи билан акс эттирган ва унинг композицияси маконида сер ўтлоқ худудда, табиат кучоғида, маза қилиб ўтлаб юрган қизил от қомати кўзга ташланади. Асар кузги илиқ қуёшли, шу билан бирга енгил шабада эсиб турган соф ҳаволи манзара фонида, очиқ осмон остида реалистик услубда тўғридан-тўғри натурадан ёзганлиги яққол сезилиб турибди.

Д.Мурсалимов китобларга иллюстрация ишлаш лозим бўлса, аввал ўша китобни синчиклаб ўқиб, мазмун ва моҳиятини яхшилаб тушуниб олганидан кейин пишиқ, мукамал асарни тасвирлашга ўтади. Кўрғазмада ҳам офорт техникасида яратилган китоблар ичига ишланган оқ қора тасвирли, пишиқ иллюстрацияларни томошабинлар ҳуқумига ҳавола қилган. Мазкур кўрғазмани кўргани келган кўплаб ёш бўлажак графиклар Рассом Д.Мурсалимов турли хил техникаларда, усуллар қўлланилиб яратилган асарлардан

Ўзлари учун кўпгина шу санъат йўналишидаги тажрибаларини ўстириш учун катта ва ўзига хос сабоқ олишлари мумкин.

**Фойдаланган адабиётлар рўйхати:**

1. Х.Караматов.Ўзбекистон санъати.(1991-2001 йиллар). Графика. 55-58б.Т. “Шарқ” матбаа-нашриёт акциядорлик компанияси. 2001.
2. Т.Аҳмедов. Бадий ашёлар технологияси. 2007.Т. “Шарқ” матбаа-нашриёт акциядорлик компанияси.
3. Н.Абдуллаев. Ўзбекистон санъати тарихи. Графика.2007.